

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI**  
**INTELLEKTUAL MULK AGENTLIGI**

**BUYRUQ**

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида**  
**«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги**  
**Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга ошириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари ва уларни амалга ошириш учун белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида, **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

«Ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг очик хайъат мажлисларида хозир бўлиши тартиби тўғрисидаги Низом» 1-иловага мувофик;

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофик чеклаб қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг рўйхати» 2-иловага мувофик;

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган шахслар рўйхати» 3-иловага мувофик;

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақида йўриқнома» 4-иловага мувофик;

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида расмий веб-сайтида жойлаштириладиган ахборотлар рўйхати» 5-иловага мувофик;

«Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш комиссияси таркиби» 6-иловага мувофик тасдиқлансин.

2. Бошқарма ва бўлим бошлиқлари, таркибий тузилма раҳбари «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қондаларини амалга оширишга доир мазкур йўналишдаги тадбирларни ва қонун ҳужжатларида белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва сифатли амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Юридик ва норматив-ҳуқуқий масалалар бўлими (Юсупханова) **ўн кун муддатда** мазкур буйруқ мазмунидан келиб чиққан ҳолда, Агентлик фаолиятидаги ички ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёхуд уларни бекор қилиниши бўйича тақлиф киритилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Бош директор ўринбосари М.Бобожанов зиммасига юклатилсин.

**Бош директор**

**А. Файзуллаев**

Toshkent sh.,  
2017 yil "2" fevral  
11 - son


**Буйрукни тайёрлаган:**



Г. Вапаева

**Келишилган:**

Бош директор ўринбосари



М. Бобожанов

ЮНМХ бўлими бошлиғи



Г. Юсупханова

**Таништирилди:**

С. Азимов

С. Каримова

Д. Шерматов

Н. Нурматова

/ Ж. Мансуров

У. Ибрагимов




Н. Талипова

А. Джураев

Н. Хошимов

/ У. Зиядуллаев

М. Мансуров



**Ахборотдан фойдаланувчиларнинг  
Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг  
очик хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги  
Н и з о м**

Мазкур низом «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 22 декабрда 2742-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ахборотдан фойдаланувчиларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг очик хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартиби тўғрисидаги намунавий низом»га мувофиқ, ахборотдан фойдаланувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг очик хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.
2. Мазкур низом талаблари Агентлик томонидан очик хайъат мажлисида иштирок этиш учун таклиф этилган шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.
3. Агентлик мазкур низом асосида очик хайъат мажлисларида ахборотдан фойдаланувчиларнинг ҳозир бўлиши учун шароитлар яратади.
4. Агентликнинг хайъат мажлислари очик тарзда ўтказилади, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.
5. Агентлик масъул таркибий бўлинмаси (Патент ҳужжатлари ва таҳлилий ишлар бўлими) томонидан ахборотдан фойдаланувчиларнинг танишиб чиқишлари учун бинонинг ҳамма кириши мумкин бўлган хоналарида ва (ёки) махсус ажратилган жойларида очик хайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт ҳамда бошқа зарур ахборотлар, ахборот стендлари ва (ёки) шундай мақсад учун мўлжалланган техник воситалар мажлис ўтказилишидан камида уч кун олдин жойлаштирилиши шарт.

**2-боб. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг  
очик хайъат мажлисларида ҳозир бўлиши**

6. Ахборотдан фойдаланувчи Агентликнинг очик хайъат мажлисларида ҳозир бўлиш учун Агентликка сўров билан мурожаат қилади. Сўров «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида белгиланган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши лозим.  
Ахборотдан фойдаланувчининг идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўровлар аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

7. Сўров келиб тушган куни у Агентлик томонидан алоҳида махсус журналда рўйхатга олинади ва зудлик билан кўриб чиқилади. Мазкур журнал ҳайъат масъул котиби томонидан юритилади.

8. Сўровга асосан ҳайъат масъул котиби ахборотдан фойдаланувчини Агентлик очик ҳайъат мажлисида иштирок этувчилар рўйхатига киритади ҳамда бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилади. Агентлик очик ҳайъат мажлисининг ўтказилиш санаси, вақти ёки жойи ўзгарган тақдирда, бу ҳақда ахборотдан фойдаланувчига маълум қилинади.

9. Ахборотдан фойдаланувчилар Агентлик очик ҳайъат мажлисига шахсини тасдиқловчи ҳужжати асосида киритилади.

10. Ахборотдан фойдаланувчи Агентлик очик ҳайъат мажлисига келмаган тақдирда, ҳайъат масъул котиби томонидан бу ҳақда махсус журналга ёзиб қўйилади.

11. Агентликнинг имкониятларидан ҳамда ахборотдан фойдаланувчилар сонидан келиб чиқиб, очик ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залда ахборотдан фойдаланувчилар учун жой тайёрланади. Ахборотдан фойдаланувчилар Агентликнинг очик ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга махсус журналдаги қайд этиш кетма-кетлиги асосида жойлаштирилади.

Ахборотдан фойдаланувчилар сонининг кўплиги сабабли, уларни Агентлик очик ҳайъат мажлиси ўтказиладиган залга жойлаштириш имкони бўлмаган тақдирда, улар очик ҳайъат мажлисининг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган хонага жойлаштирилиши мумкин.

12. Агентлик ўз имкониятларидан келиб чиқиб, ахборотдан фойдаланувчилар очик ҳайъат мажлисининг боришини видео тасвир орқали монеликсиз кузатиб боришлари мумкин бўлган алоҳида хона жиҳозлаб қўйилиши мумкин.

13. Ахборотдан фойдаланувчилар Агентлик очик ҳайъат мажлиси бошлангунга қадар белгиланган жойга етиб келиши, рўйхатдан ўтиши ва белгиланган жойга ўтириши лозим. Ахборотдан фойдаланувчилар Агентлик очик ҳайъат мажлисига раислик қилувчи томонидан мажлис бошланганлиги эълон қилингандан сўнг келган тақдирда, кечикиб келган ҳисобланади ва ҳайъат мажлисига қўйилмайди.

14. Ахборотдан фойдаланувчи Агентлик томонидан тасдиқланган очик ҳайъат мажлисининг регламентида белгиланган тартибда мажлисда ҳайъат аъзоларига саволлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

15. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан Агентлик очик ҳайъат мажлислари давомида ҳайъат мажлиси муҳокамасига тааллуқли бўлмаган ва ушбу мажлисда муҳокама қилинмаган масалалар бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилган ёки саволлар билан мурожаат этилган тақдирда, унга мазкур масала бўйича ахборот олиш тартиби тушунтирилади.

16. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказиладиган вақтда тартибни бузмаслиги шарт. Ахборотдан фойдаланувчи мажлис ўтказиладиган вақтда тартибни бузган тақдирда, ҳайъат мажлисига раислик қилувчи томонидан огоҳлантирилади.

Ахборотдан фойдаланувчи тартибни такроран бузган тақдирда, у ҳайъат мажлисига раислик қилувчи томонидан мажлис ўтказиладиган залдан чиқариб юборилади. Мазкур ҳолат юзасидан ҳайъат масъул котиби далолатнома тузади ва далолатнома ҳайъат мажлиси раислик қилувчи томонидан имзоланади.

17. Ахборотдан фойдаланувчиларга Агентлик очик ҳайъат мажлисини фотосуратга, видео тасвирга олишга, овоз ёзиш воситаларидан фойдаланишга рухсат берилмайди.

18. Ҳайъат мажлиси баённомасида очик ҳайъат мажлисларида ҳозир бўлган ахборотдан фойдаланувчиларнинг иштироки ҳақида тегишли маълумотлар кўрсатилиши шарт.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг  
фаолияти тўғрисидаги фойдаланилиши қонун ҳужжатларига мувофиқ чеклаб  
қўйилган ахборотга тааллуқли маълумотларнинг  
р ў й х а т и**

1. Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунаси моҳияти тўғрисидаги маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчи ёки муаллифнинг розилигисиз);
2. Патент беришга талабномаларнинг материалларидаги маълумотлар: ихтиро, селекция ютуғига талабномалар ёки ихтирога патент бериш, фойдали модель ва саноат намунасини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчи ёки муаллифнинг розилигисиз);
3. Талабнома берувчилар томонидан муҳофаза ҳужжатлари ёки лицензиялар расмийлаштириш борасидаги уларнинг тижорат сирлари ҳисобланадиган ва Агентликка тақдим этиладиган маълумотлар (талабнома берувчи ёки лицензия талабгорининг розилигисиз);
4. Хизмат ёки тижорат сирлари ҳисобланадиган ва Агентликнинг Апелляция кенгашида (иштирокчилардан бирининг илтимосномасига кўра) апелляциялар ва аризаларни кўриб чиқиш сабабли маълум бўлган маълумотлар;
5. Топологиянинг бирон қатлами (масалан, «ноу-хау» га тааллуқли), кўриш мумкин бўлган материалларда ифодаланган конфиденциал маълумотлар;
6. Товар белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси ёки товар келиб чиққан жой номини рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш тўғрисидаги талабномага оид маълумотлар, улар расман рўйхатдан ўтказилгунга ёки эълон қилингунга қадар (талабнома берувчининг розилигисиз);
7. Ахборот олинган манбасида ёхуд исми-шарифи таҳаллус остида кўрсатилган муаллиф тўғрисидаги ахборотлар (муаллифнинг розилигисиз);
8. Шахсий ҳаёт тўғрисидаги, худди шунингдек Агентлик ҳамда унинг идоравий бўйсунувидаги ташкилотлар раҳбалари ва ходимларининг шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузувчи ахборотлар ва маълумотлар;
9. Интеллектуал мулк муҳофазаси ва уларга бўлган ҳуқуқларни химоя қилиш масалалари бўйича ишларни суриштирув, дастлабки тергов ёки судда кўриб чиқилиши муносабати билан маълум бўлиб қолган маълумотлар ва ахборотлар.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг  
фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган шахслар  
р ў й х а т и**

Т/р	Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида ахборот *	Масъул шахс **
1	Агентликнинг, унинг таркибий бўлинмалари ва тизимдаги корхоналарининг ҳуқуқий мақомини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	Г. Юсупханова
2	Агентлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳамда бошқа ҳужжатлар, шунингдек уларнинг ижро этилишининг бориши тўғрисидаги маълумотлар	Г. Юсупханова, Ахборот хизмати вакили
3	Агентлик томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, норматив ва бошқа ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек ушбу ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги маълумотлар	Г. Юсупханова
4	Агентлик томонидан ишлаб чиқилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг, норматив ва бошқа ҳужжатларнинг лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар	Г. Юсупханова
5	Агентлик томонидан давлат дастурлари ҳамда бошқа дастурлар амалга оширилиши тўғрисидаги маълумотлар	Н. Талипова
6	Агентлик томонидан ўтказиладиган оммавий тадбирлар (мажлислар, кенгашлар, учрашувлар, матбуот конференциялари, брифинглар, семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқалар) тўғрисидаги маълумотлар	Н. Талипова, Ахборот хизмати вакили
7	Агентликнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувининг бошқа органлари, жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги маълумотлар	Н. Талипова, Б. Раҳимбердиев, Ахборот хизмати вакили

8	Агентлик иштирок этаётган Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тўғрисидаги маълумотлар	Б. Рахимбердиев, Ахборот хизмати вакили
9	Агентлик фаолияти соҳасига тааллуқли бўлган тармоқнинг (худуднинг) ҳолатини ва унинг ривожланиш суръатини тавсифловчи асосий кўрсаткичлар ҳақидаги, шу жумладан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар	Н. Талипова, барча бўлим ва бошқарма бошлиқлари, таркибий тузилма раҳбарлари
10	Агентлик томонидан ўтказиладиган (ташқил этиладиган) очик танловлар (тендерлар) ва кимосди савдолари тўғрисидаги маълумотлар	Н. Хошимов, Ахборот хизмати вакили
11	Бўш иш ўринлари, ишга қабул қилиш шартлари ва бўш иш ўринларини эгаллаш учун номзодларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги маълумотлар	У. Зиядуллаев, Ахборот хизмати вакили Х.Розметов
12	Агентлик томонидан тузилган мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат органлари (шу жумладан, апелляция ва илмий-техникавий кенгаш) тўғрисидаги маълумотлар	Г. Юсупханова Б. Базаров
13	Агентлик очик хайъат мажлисларини ўтказиш режалари, шу жумладан мажлисларнинг кун тартиби лойиҳалари, улар ўтказиладиган сана, жой ва вақт, мажлисларда ҳозир бўлиш тартиби	Н. Талипова

Изоҳ:

\*Масъул шахслар Агентлик фаолиятнинг очикликни таъминлаш мақсадида ўз йўналишларидаги ахборот, шу жумладан режалаштириладиган мажлислар ва тадбирлар, кўриб чиқилиши мўлжалланаётган масалалар, қабул қилинган қарорлар ҳақидаги ахборотларнинг ўз вақтида эълон қилинишини (чоп этилишини) таъминлайдилар.

\*\*Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш учун масъул бўлган шахслар бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар ахборот тақдим этиш учун масъул шахс бўлиб ҳисобланадилар.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти  
тўғрисида ахборот олишга доир сўровни қабул қилиш тартиби ҳақида  
Йўриқнома**

Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 6 ноябрдаги 320-сон «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қоидаларини амалга оширишга йўналтирилган комплекс чора-тадбирлар кўриш тўғрисида»ги қарорига, Ақли вазирилик томонидан 2016 йил 17 мартда 2769-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома»га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)нинг фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш учун сўровларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига асосан, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти тўғрисида ахборот излашни амалга ошираётган жисмоний ёки юридик шахс ахборотдан фойдаланувчи ҳисобланади.
2. Агентликнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўров (бундан буён матнда сўров деб юритилади) ахборотдан фойдаланувчининг Агентлик фаолияти тўғрисида ахборот тақдим этиш ҳақида Агентликка ва (ёки) унинг мансабдор шахсларига йўлланадиган оғзаки ёки ёзма шаклдаги (шу жумладан электрон ҳужжат шаклидаги) талабидир.
3. Ахборотдан фойдаланувчи Агентликка унинг фаолияти тўғрисида ахборот олиш учун бевосита ёхуд ўз вакиллари орқали сўров билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга.
4. Сўровлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасида кўрсатилган талабларга мувофиқ расмийлаштирилиши керак.
5. Ёзма сўровда мурожаат этувчининг электрон манзили кўрсатилиши мумкин. Ёзма сўровда электрон манзилнинг кўрсатилганлиги мурожаат этувчининг сўровга ахборот тизими орқали электрон шаклда жавоб олишга бўлган розилигидир.
6. Сўровлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.
7. Қуйидагилар сўров ҳисобланмайди:  
жисмоний ва юридик шахсларнинг ариза, шикоят ҳамда таклифлари;  
тақдим этилишининг ўзига хос хусусиятлари бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган. Агентлик фаолиятига тааллуқли бўлган ахборотнинг айрим турлари;  
давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг Агентлик фаолияти тўғрисидаги ахборотни олишга доир сўровлари.
8. Ахборотдан фойдаланувчи томонидан сўралган ахборот қонунда белгиланган тартибда давлат сирлари ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, сўровда кўрсатилган ахборотни тақдим этиш рад этилади ва ахборотдан фойдаланувчига асосланган жавоб юборилади.



## **2-боб. Сўровларни қабул қилиш**

9. Ахборотдан фойдаланувчи Агентликка оғзаки ёки ёзма шаклда ёхуд электрон ҳужжат шаклида сўров билан мурожаат этиши мумкин. Бунда электрон ҳужжат шаклидаги сўровлар Агентликнинг расмий веб-сайти, расмий электрон почта манзиллари ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тақдим этилади.

10. Сўровларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказилишини таъминлаш Агентлик сўровлар билан ишловчи масъул таркибий бўлинмаси (Патент ҳужжатлари ва таҳлилий ишлар бўлими) ёки масъул ходим томонидан амалга оширилади.

11. Сўров почта орқали келиб тушганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан конвертда сўров мавжудлиги текширилади.

Конвертда сўровнинг ёки сўровда кўрсатилган иловаларнинг мавжуд эмаслиги аниқланганда, сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, улардан бири (сўров ва у юборилган конверт билан бирга) сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходимда қолади, иккинчиси кузатув хатига илова қилинган ҳолда конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

12. Электрон ҳужжат шаклида сўров тушган кунда қоғозга босиб чиқарилиши, иш вақти тамом бўлгандан кейин тушган тақдирда эса – навбатдаги иш кунда қоғозга босиб чиқарилиши керак.

13. Ахборотдан фойдаланувчини идентификациялаш имкониятини берадиган маълумотлар кўрсатилмаган сўров аноним ҳисобланади ва кўриб чиқилмайди.

14. Сўров аноним деб эътироф этилганда, бу ҳақда ижрочи (ёки ижрочилар) томонидан хулоса тузилади. Хулосада сўровни аноним деб эътироф этиш учун асослар кўрсатилади. Сўровни аноним деб эътироф этиш тўғрисидаги хулоса сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан тасдиқланади ҳамда Агентлик Бош директори ёки ваколат берилган унинг ўринбосарларидан бири томонидан ижродан олинади.

15. Аввалги сўровлар бўйича юборилган жавобдан норозилик билдирилган, шунингдек агар такрорий сўров келиб тушган пайтда кўриб чиқишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддати тугаган бўлса, аввалги сўров ўз вақтида кўриб чиқилмаганлиги ҳақида хабар қилинган, айнан бир ахборотдан фойдаланувчидан келиб тушган сўров такрорий деб ҳисобланади.

Такрорий сўровга у келиб тушгандан сўнг навбатдаги рўйхат индекси берилиб, Сўровларни рўйхатга олиш журналида ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида «такрорий» деб кайд этилади.

16. Айнан бир ахборотдан фойдаланувчининг сўрови нусхаси сўров дубликати ҳисобланади. Агентликка сўров дубликати (нусхаси) келиб тушган ҳолларда, ушбу сўровга алоҳида тартиб рақами берилмасдан, биринчи марта рўйхатга олинган сўровнинг тартиб рақами ва ундан сўнг бош ҳарфда «/Д» белгиси ҳамда сўров келиб тушган сана билан кайд этилади (масалан, сўров биринчи марта 2016 йил 10 мартда 10-1-25 билан рўйхатга олинган бўлиб, сўров дубликати ҳам келиб тушганда, «2016 йил 10 март, 10-1-25/Д» каби рўйхатга олинади).

## **3-боб. Сўровларни рўйхатдан ўтказиш**

17. Сўров Агентликка келиб тушгандан сўнг, у сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан Сўровларни рўйхатга олиш журналига ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида кайд этилади.

18. Сўровларни рўйхатга олиш журнали ёки электрон ҳужжат айланиш тизимида сўров қабул қилинган сана, сўровнинг тартиб рақами, сўров билан мурожаат қилган

жисмоний шахснинг фамилияси, исми ва отасининг исми, яшаш жойи (юримдик шахслар учун – юримдик шахснинг тўлик фирма номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар, сўровнинг кискача моҳияти, агар сўров дубликат ёки такрорий бўлса, унинг дубликат ёки такрорийлиги ҳамда сўров ижроси тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилади.

19. Ахборотдан фойдаланувчи ўз сўровини у кўриб чиқилгунга қадар ва кўриб чиқилаётган вақтда ариза бериш орқали қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

#### **4-боб. Сўровларни қайта ишлаш**

20. Қабул қилинган ва рўйхатга олинган сўровлар бир иш куни ичида Агентлик Бош директори ёки унинг ўринбосарига резолюция (сўровни ижро этиш бўйича кўрсатма) қўйиш учун киритилади.

21. Резолюцияда сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма(лар) раҳбарининг фамилияси, топширик мазмуни акс эттирилади ҳамда Агентлик Бош директори ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади ва сана қўйилади.

22. Резолюция ёзилганидан сўнг, сўров сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан сўровни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинма ходимига имзо қўйдирган ҳолда топширилади.

23. Сўровлар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилади.

24. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мунтазам равишда Агентликда сўровлар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш, шунингдек Агентлик фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотларни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар тайёрлаш мақсадида сўровларни умумлаштириш, уларни мазмунан бирлаштириш ва бошқа шаклларда қайта ишлашни амалга оширади.

#### **5-боб. Оғзаки сўровларни қабул қилишни ташкиллаштириш**

25. Агентликда Бош директор томонидан тасдиқланган график асосида белгиланган кунлар ва соатларда жисмоний шахсларни ва юримдик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

26. Агентликда ахборотдан фойдаланувчиларни қабул қилиш учун мўлжалланган алоҳида хона ажратилиши мумкин.

27. Ахборотдан фойдаланувчи оғзаки мурожаат этаётганда, Агентлик масъул ходимига ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини, юримдик шахснинг вакили эса, ўзининг шахсини ва ваколатларини тасдиқлайдиган ҳужжатларини кўрсатиши керак. Бундай ҳужжатларни кўрсатмаган ахборотдан фойдаланувчилар қабул қилинмайди.

28. Оғзаки сўров билан мурожаат қилган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш сўров моҳиятидан келиб чиқиб, Агентликнинг тегишли таркибий бўлинма раҳбари ҳамда сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ходими ёки масъул ходим иштирокида амалга оширилади.

Агарда оғзаки сўров билан мурожаат этган ахборотдан фойдаланувчини қабул қилиш вақтида ушбу сўровни кўриб чиқиб Агентликнинг ваколат доирасига кирмаслиги аниқланса, унга сўралаётган ахборотни олиш бўйича сўров билан қайси давлат ҳокимияти (бошқаруви) органларига мурожаат этиши мумкинлиги тушунтирилади ва бу ҳақда Сўровларни рўйхатга олиш журнаliga ёки электрон ҳужжат айланиш тизимига қайд этилади.

29. Ахборотдан фойдаланувчиларнинг оғзаки сўровлари Агентликнинг «ишонч телефони» орқали қабул қилиниши мумкин. Бунда сўровлар мазкур Йўриқномада белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

30. Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

## **6-боб. Сўровларнинг кўриб чиқилишини мониторинг қилиш**

31. Агентликнинг сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходими сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан сўровлар кўриб чиқилишини доимий мониторинг қилади, зарур ҳолларда, сўровларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлаш чораларини кўради.

32. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни кўриб чиқиш муддатлари ва тартиби сўровларни ижро этиш учун масъул этиб белгиланган таркибий бўлинмалар томонидан бузилиши тўғрисида Агентлик Бош директорини дарҳол хабардор қилади.

33. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим мониторинг натижалари бўйича ҳар ойда Агентлик Бош директорига сўровлар кўриб чиқилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни, зарурат бўлганда, мавжуд камчиликларни бартараф этиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишига йўл қўйган ходимларга нисбатан жавобгарлик чораларини кўриш юзасидан тегишли таклифлар билан биргаликда тақдим этади.

34. Сўровлар билан ишловчи таркибий бўлинма ёки масъул ходим сўровларни умумлаштириб, таҳлил қилиб боради.

Зарур ҳолларда, таҳлил натижалари бўйича Агентлик Бош директорига Агентликда сўровлар билан ишлаш тизимини ва тегишли қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан, шунингдек ахборотдан фойдаланувчилар томонидан Агентлик фаолияти тўғрисида мунтазам сўралувчи ахборотларни нашр этиш ҳамда бошқа муҳим масалалар бўйича таклифлар киритади.

## **7-боб. Яқуний қоидалар**

35. Мазкур Йўриқнома талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг  
фаолияти тўғрисида расмий веб-сайтида жойлаштириладиган ахборотлар  
рўйхати**

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги (кейинги ўринларда – Агетлик)нинг фаолияти тўғрисида расмий веб-сайти\*да Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг фаолияти тўғрисида тасдиқланган (конун ҳужжатларида белгиланган) ахборотдан ташқари қуйидагилар жойлаштирилади:

- Агентликнинг раҳбарлари тўғрисидаги маълумотнома тарзидаги ахборот (биографик маълумотлар, фуқароларни қабул қилиш кунлари ва ҳоказо);
- Агентлик ҳамда унинг таркибий тузилмаларининг иш тартиби тўғрисидаги маълумотлар, уларнинг телефон рақамлари ҳамда почта манзиллари, электрон почта манзиллари, маълумот хизмати телефонларининг ва ишонч телефонларининг рақамлари, жамоат транспортининг катнов йўллари, тўхташ жойларининг номлари ва йўналиш рақамлари;
- Агентликнинг раҳбарлари, шунингдек ваколат берилган мансабдор шахслари чиқишларининг ҳамда баёнотларининг матнлари;
- Агентлик ҳузурида оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитация қилиш тартиби тўғрисидаги ахборот;
- Агентликнинг томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхати, шунингдек тизимдаги корхоналар томонидан кўрсатиладиган бошқа хизматлар рўйхати;
- Агентликнинг фаолияти тўғрисидаги таҳлилий маърузалар ҳамда ахборот тусидаги шарҳлар;
- аризаларни, таклифларни ва шикоятларни қабул қилиш тартиби тўғрисида ахборот;
- Агентликнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни қабул қилиш тартиби ҳақидаги ахборот;
- келиб тушган аризаларни, таклифларни ва шикоятларни, шунингдек Агентликнинг фаолияти тўғрисида ахборот олишга доир сўровларни кўриб чиқишнинг умумий натижалари ҳақидаги ахборот.
- Агентликнинг расмий веб-сайтида конун ҳужжатларига мувофиқ унинг фаолияти тўғрисидаги бошқа ахборот ҳам жойлаштирилади.

\*Изоҳ: Агентликнинг расмий веб-сайти Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги унга тегишли бўлган ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни ўз ичига олган расмий веб-сайт сифатида идентификация қилинадиган, ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган ресурсдир. Агентликнинг расмий веб-сайтидаги ахборот давлат тилида жойлаштирилиши керак (бошқа тиллардаги шаклларга ҳам эга бўлиши мумкин).

Расмий веб-сайтда жойлаштириладиган ахборотнинг санаси кўйилган бўлиши ҳамда у вақти-вақти билан, бироқ янгилаб бориш даврийлиги ҳафтасига бир мартадан кам бўлмаслиги керак.

Агентлик расмий веб-сайтида жойлаштирилган ахборот (оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган ахборот билан тенг кучга эга бўлган) ишончли бўлишини таъминлаш ушбу вазифа юклатилган масъул таркибий бўлинма ёки масъул ходим томонидан таъминланиши шарт.

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ҳузуридаги  
Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини  
аккредитациядан ўтказиш комиссияси таркиби\***

- |                    |   |   |
|--------------------|---|---|
| Файзуллаев А.Н.    | – | Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги<br>Бош директори, комиссия раиси                            |
| Бобожанов М.К.     | – | Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги<br>Бош директори ўринбосари, комиссия раиси ўринбосари      |
| Комиссия аъзолари: |   |   |
| Каримова С.А.      | – | Ихтироларнинг давлат илмий-техник экспертизаси ва<br>фойдали моделлар экспертизаси бўлими бошлиғи               |
| Шерматов Д.Б.      | – | Саноат намуналарининг давлат илмий-техник<br>экспертизаси ва товар белгиларининг экспертизаси бўлими<br>бошлиғи |
| Азимов С.А.        | – | Патентга талабномаларнинг расмий экспертизаси бўлими<br>бошлиғи   |
| Ибрагимов У.С.     | – | Муаллифлик ҳуқуқи ва лицензиялаш бўлими бошлиғи   |
| Вапаева Г.С.       | – | «IP-CENTER» ДУК директори ўринбосари,<br>комиссия масъул котиби   |

Изоҳ:

\*Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда, ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функциялар юкланган шахслар комиссия аъзоси бўлиб ҳисобланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигида Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини аккредитациядан ўтказиш Комиссия томонидан «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 23 ноябрдаги 243-сон қарори иловасига мувофиқ тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси оммавий ахборот воситалари вакилларини давлат ҳокимияти органлари ҳузурида аккредитация қилиш тартиби тўғрисида низом» талабларига ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ ўрнатилган тартибда амалга оширилади.